

**5 МАВЗУ: ЕР-СУВ  
РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН  
САМАРАЛИ  
ФОЙДАЛАНИШ**

- ***Ер-сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби, фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши***
- ***Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби***
- ***Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари***
- ***Ер мониторинги ва давлат ер кадастри.***



- Ер мақсадли фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:
- Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
- Аҳоли пунктларининг ерлари;
- Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
- Ўрмон фонди ерлари;
- Сув фонди ерлари;
- Давлат заҳира ерлари

- . Ер ресурслари, бошқа ишлаб чиқариш воситалардан тубдан фарқ қилгани ҳолда, асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодига катта таъсир кўрсатади.
- Ер табиат маҳсули. Инсон меҳнати тупроқ хусусиятини ўзгартиради, бу унинг меҳнат предмети эканлиги. Усимликларнинг ривожланиши ва ўсишга таъсир кўрсатиши унинг меҳнат воситаси эканлиги. Иккаласи биргаликда унинг ишлаб чиқариш воситаси эканлигини билдиради.
- Ернинг ҳудудий чегараланганлиги ва унинг такрор яратилмаслиги. Ер бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби инсоннинг хоҳиши билан кўпайиб қолавермайди.
- Ерни алмаштириш мумкин эмаслиги. Ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби алмаштириб бўлмайди, ундан бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига қараб такомиллашганлари билан алмаштирилади.
- Ерни силжитиб бўлмаслиги. Ер қаерда жойлашган бўлса, ўша ерда ундан фойдаланиш мумкин, уни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин эмас.
- Ер участкаларининг сифати бўйича турли туманлиги. Ер участкаларига бир хил миқдорда маблағ ва меҳнат сарфланса ҳам олинадиган маҳсулотлар миқдори турлича бўлиши мумкин.
- Бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилганда эскиради, ўзининг фойдалилик хусусиятини камайтиради ва бутунлай ишдан чиқади.



Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги этапида ер ресурсларини халқ бойлиги сифатида рўёбга чиқаришнинг шакллари қуйидагилар:

- Ерга хусусий мулк;
- Ерга умрбод меросли эгалик қилиш;
- Ердан доимий ёки вақтинча фойдаланиш;
- Ерни ижарага бериш.

Давлат ер кадастри деганда, шундай системани тушуниш керакки, бу системага:

- Ер шнурли китоби киради, яъни ер тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ва маълумотлар;
- Ернинг миқдори ва сифати бўйича ҳисоб-китоби;
- Ер бонитировкаси;
- Ернинг иқтисодий баҳоси киради.



- Тупроқ бонитети - тупроқнинг сифати, унинг маҳсулдорлигининг кўрсаткичи. Тупроқ бонитировкасининг бош асоси бўлиб, унинг табиий белгилари ва тупроқнинг табиий унумли қобилиятини объектив ва ишончли кўрсаткичи сифатидаги хусусияти хизмат қилади. Бонитировкада энг аввало, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги билан мустаҳкам боғланадиган, тупроқнинг ўзида мужассамланган барча хоссалар ҳисобга олинади ва шу асосда тупроқнинг бонитет балли, уларнинг таққослама қиймати, аслилиги ўрнатилади. Фақат икки томонлама назорат (тупроқнинг ўзининг хоссаси ва ҳосилдорлик учёти) асосидагина тупроқнинг бонитет балли аниқланади.

- Ер ресурсларидан фойдаланиш  
коэффициенти ( ЕРФК) қишлоқ  
хўжалигига яроқли ерларни хўжаликка  
беркитилган жами ер майдонига нисбати  
билан ифодаланади.

$$\text{ЕРФК} = \frac{\text{Қ/ХЯЕ}}{\text{ЖЕМ}}$$



Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан  
фойдаланиш коэффиценти (Қ/ХЯЕФК).  
Ҳайдаладиган ерларни(ХЕ) қишлоқ  
хўжалигига яроқли ерларга(Қ/ХЯЕ )  
нисбати билан ифодаланади.

$$\text{Қ/ХЯЕФК} = \frac{\text{ХЕ}}{\text{Қ/ХЯЕ}}$$

- Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш  
коэффициенти (ҲЕФК) жами экин  
майдонларини(ЖЭМ) ҳайдаладиган  
ерларга(ҲЕ) нисбати билан  
ифодаланади.

$$\text{ҲЕФК} = \frac{\text{ЖЭМ}}{\text{ҲЕ}}$$



- Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер қайтими ва ер сиғимидир. Ер қайтими 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф маҳсулотни(СМ) ифодаласа, ер сиғими, 1 сўмлик соф маҳсулот қанча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

$$EK = \frac{CM}{Q/XYE} ;$$

$$ES = \frac{Q/XYE}{CM}$$

- Ер ресурсларидан юқори, самарали фойдаланиш— қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш таъсири остида бўлади. Бу омиллар ерга бўлган мулкчилик ва зоналараро илмий асосланган деҳқончилик системасидир.
- Биринчи гуруҳ омиллар, бу ерга бўлган мулкчилик бўлиб, унинг шакллари юқорида 2 бобда таъкидланганидек қуйидагилардан келиб чиқади:
  - Ерга бўлган хусусий мулк;
  - Ерга умрбод меросли эгалик қилиш;
  - Ердан фойдаланиш;
  - Ерни ижарага бериш;
  - Ер учун тўлов.



- Республикамизда ишлаб чиқилган илмий асосланган деҳқончилик системаси экин майдонларидан интенсив фойдаланишга йўналтирилган қуйидаги катта комплекс тадбирларини ўз ичига олади;
- Тупроқнинг иқтисодий умумдорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар системаси (суғориш, захни қочириш, химиявий мелиорация ва бошқалар).
- Тупроқни ишлашининг илмий асосланган системаси (Акад. Муҳаммаджонов тавсияси).
- Алмашлаб экиш системаси.
- Ўғитлаш системаси.
- Уруғчилик.
- Бегона ўтлар билан, қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари билан курашувчи тадбирлар системаси.
- Сув ва шамол эрозиясига қарши кураш тадбирлари системаси.
- Далаларни ҳимоя қилувчи ўрмонзорлар барпо қилиш.